

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БАҲАДИРОВ САИД КОМИЛОВИЧ**

**2-ТУРДАГИ КАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ГИПЕРКОАГУЛЯЦИЯНИНГ ГЕМОСТАЗИОЛОГИК  
ВА ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бахадиров Саид Комилович**

2-турдаги кандли диабет билан касалланган беморларда  
гиперкоагуляциянинг гемостазиологик ва генетик хусусиятлари..... 3

**Бахадиров Саид Комилович**

Гемостазиологические и генетические аспекты  
гиперкоагуляции у больных сахарным диабетом 2 типа..... 29

**Bakhadirov Said Komilovich**

Hemostasiological and Genetic Aspects of Hypercoagulation  
in Patients with Type 2 Diabetes Mellitus..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 60

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БАҲАДИРОВ САИД КОМИЛОВИЧ**

**2-ТУРДАГИ КАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ГИПЕРКОАГУЛЯЦИЯНИНГ ГЕМОСТАЗИОЛОГИК  
ВА ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2652 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шагазатова Барно Хабибуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рахимова Гульнара Нишановна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Саидов Аълонур Бахтинурович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент педиатрия тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Диссертация билан Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Ю. Халимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.А. Мирсаидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Г.А. Алимухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда гемостазнинг бузилиши амалий тиббиётда учрайдиган энг кўп патологик ҳолатлардан бири бўлганлиги ва ўта юқори потенциал хавф билан тавсифланганлиги сабабли инсоннинг умумий патологиясида муҳим ўрин тутди. Гемостазнинг бузилишлари қатор ҳолларда ирсий характерга эга бўлган мустақил синдромлар сифатида намоён бўлиши мумкин. Гемостаз тизимининг туғма бузилишлари аҳолининг 1-2% да учрайди. Гемостазнинг энг кўп учрайдиган ирсий бузилишларига гемофилиялар А ва В, Виллебранд касаллиги (VWD) ва тромбоцитлар функциясининг ҳар хил бузилишлари киради. Ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйлаб 20-79 ёшдаги 537 миллион катталар (ушбу ёш гуруҳидаги барча катталарнинг 10,5%) қандли диабет билан касалланган. Ҳозирги кунда қандли диабет (ҚД) юрак-қон томир касалликларининг етакчи хавф омилларидан бири ҳисобланади (IDF, 2021)<sup>1</sup>. Томир деворининг морфологик ва функционал ўзгаришлари, турли калибрдаги томирлар зарарланишининг агрессивлиги ва универсал характери ҚДнинг прогностик хавфини белгилайди. ҚД билан оғриган беморларда коронар ҳодисалар хавфи ЮИК ташхиси билан оғриган беморлар хавфи билан таққосланади, цереброваскуляр ўлим эса умумий популяциядаги кўрсаткичлардан 2-3 баравар юқори. Сурункали гипергликемия қон плазмасида Виллебранд омилининг кўпайиб кетиши билан таърифланади, бу атеросклерозда эндотелиал ҳужайраларнинг зарарланишини акс эттиради ва юрак қон томир ҳалокатларидан ўлим даражасининг юқори бўлиши билан боғлиқ. Шу сабабли қандли диабетнинг 2-тури ва унинг макро- ва микротомир асоратларини ташхислаш ва даволаш усулларини ўрганиш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ҚД 2 турининг тарқалиши ва бу касалликка хос бўлган асоратларни аниқлаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали ноинфекцион касалликлар орасида диабетнинг тиббий-ижтимоий аҳамиятини белгилаш, қандли диабетнинг 2-турининг юрак-қон томир касалликлари ривожланишида хавф омилли сифатида ўрнини баҳолаш, қандли диабетнинг 2-тури ва унинг макро- ва микротомир асоратларини ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий усулларини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида ногиронликни камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун замонавий технологияларини яратишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эндокрин касалликлари билан хасталанган беморларда ногиронликни камайтириш мақсадида ушбу касалликни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги

---

<sup>1</sup> IDF Diabetes Atlas 10th edition scientific committee . IDF DIABETES ATLAS. 10th edition. Brussels: International Diabetes Federation; 2021

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қандли диабетнинг 2-тури ва унинг макро-ва микротомир асоратларини ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида ногиронликни камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қон ивиш кўрсаткичларининг ўзгариши ҚД коагуляцион гемостазнинг барча босқичларида аниқланади ва протромбин, фибриноген, тўқима омили, Виллебранд омили ва бошқа омилларнинг ошиши, калликреин-кинин тизимининг фаоллашуви билан тавсифланади (Фолсом А., 2000). Қандли диабетда гиперфибриногенемия томирлар зарарланишининг мустақил прогностик омили сифатида баҳоланади. ҚДда гиперкоагуляция коагуляция ингибиторлари тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида антитромбин III, протеин С ва тромбомодулин фаоллигининг пасайиши билан кечган (Асо У., 2000; Арнетз L., 2014). Қандли диабетда эндотелиал дисфункция атеросклеротик пиллакча ривожланиши учун шароит яратади ва атеротромбоз ривожланиши учун бошланғич белги ҳисобланади. Пластинка яхлитлигининг бузилиши ва тромбоцитлар ва плазма гемостази компонентлари билан контакт тромбоцитлар агрегация жараёнларини фаоллаштиради ва томирлар обструкциясига олиб келувчи тромблар ҳосил бўлиши билан коагуляция жараёнини ишга туширади (Davies, M.Ж. 2013). Шу билан бирга, ҚДда фибринолитик тизимнинг ҳолати ҳақидаги адабиёт маълумотлари етарли даражада қарама-қарши. ҚД ривожланган мамлакатларда ўлимнинг етакчи сабаблари орасида тўртинчи ўринни эгаллайди. Аҳоли сони ва ёшининг ўсиши, ҳудуднинг урбанизацияси,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

семизлик ва кам ҳаракатли турмуш тарзининг кўпайиши туфайли ҚД билан оғриган беморлар сони доимий равишда ортиб бормоқда (Беляева М.И., 2013; Дедов И.И., 2009; ВОЗ, 2010; Vactris G et al., 2008). ҚД шакллариининг хилма-хиллигига қарамай, беморларнинг асосий қисмини 2-тур ҚД билан оғриган шахслар ташкил қилади - турли популяцияларда ва этник гуруҳларда уларнинг сони 90-95% га етади. IDF (International Diabetes Federation) маълумотларига кўра, катталар орасида ҚДнинг тарқалиши ўртача 5,1% ни ташкил қилади (шундан 90-95% 2-тур ҚД улушига тўғри келади). Қандли диабет патологиянинг тарқалиши, шикастланишнинг оғирлиги ва кўп аъзолилиги, эрта ногиронлик ва микроангиопатияларнинг ривожланиши натижасида ўлимнинг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади (Беляева М.И., 2013; Dedov I.I., 2009; Radermecker P.P., 2008).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда 90 йиллар бошида ҚД билан касалланиш 1,88-1,90% ҳолларда аниқланган бўлса, ҚД билан касалланишнинг йиллик ўсиши 5-6% ни ташкил қилади ва биринчи навбатда 40 ёшдан ошган ёш гуруҳларида ва минг йилликнинг охирига келиб, мамлакатимизда ЖССТ мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотларда бу рақам ҚДнинг яширин ва очик шакллари бўлган шахсларни ҳисобга олган ҳолда 10% гача кўтарилди.

Шу билан бирга, кўриб чиқилган адабиётлар орасида гипергликемиянинг гемостаз кўрсаткичларига таъсирининг клиник-патогенетик хусусиятлари ва гиперкоагуляциянинг генетик маркерларининг 2-тур ҚДда қон томир асоратлари шаклланишидаги аҳамияти бўйича комплекс тадқиқотлар мавжуд эмаслиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «2 турдаги қандли диабет билан касалланган беморларда гиперкоагуляциянинг гемостазиологик ва генетик хусусиятлари» (2022-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 2-тур ҚД билан оғриган беморларда гиперкоагуляциянинг генетик маркерларини ўрганиш ва гемостаз кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҚДнинг жинси, ёши ва давомийлигига қараб 2-тур ҚД билан оғриган беморларда гемостаз параметрларини (тромбин вақти, фибриноген, протромбин индекси (ПТИ), фаол қисман тромбин вақти (ФҚТВ), Халқаро нормаллаштирилган нисбатни (ХНН), Д-димер) аниқлаш;

2-тур ҚД билан оғриган беморларда микроваскуляр (ДН, ДР) ҳамда макроваскуляр (ХК, ЮИК, ИККС) асоратларнинг мавжудлигига қараб коагуляцион гемостаз параметрларини аниқлаш;

2-тур ҚД билан оғриган беморларда НВА1С, давомийлиги ва қон томир асоратлари мавжудлигига боғлиқ ҳолда фолат цикли метаболитлари (вит В12, фолий кислотаси, ГС) ҳолатини баҳолаш;

2-тур ҚД билан оғриган беморларда гомоцистеин, фолий кислотаси, витамин В12 ва МТНFR: 677, МТНFR: 1298, МTR: 2756, МTRR:66 генлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

МТНFR: 677, МТНFR: 1298, МTR: 2756, МTRR: 66 генларининг полиморфизми ва уларнинг 2-тур қандли диабет асоратлари ривожланишидаги прогностик аҳамиятини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2022 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда «Akfa Medline University Hospital» кўп тармоқли клиникаси базасида текширилган 122 нафар беморлар, шундан қиёсий гуруҳи сифатида қандли диабет билан касалланмаган 43 нафар бемор, 2 гуруҳ сифатида қандли диабетнинг 2-тури билан 79 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида умумий клиник, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун веноз қон ва қон зардоби олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, функционал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ДР босқичларининг оғирлашуви билан коагулограмма кўрсаткичлари сезиларли даражада, СБКда коагулограмма ўзгаришлари 1-2 босқичи билан бирга пайдо бўлиши ва унинг оғирлашуви билан ортиши, бу эса диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллигида қон ивиш тизимининг 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларга таъсир кўрсатиши аниқланган;

қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда фолий кислотаси ва витамин В12 кўрсаткичларининг қиёсий гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши ва гомоцистеиннинг ошиши ДР, СБК мавжудлиги ва диабет декомпенсацияси билан боғлиқлиги ҳамда унинг давомийлигига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

илк бор қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда фолат цикли учун масъул бўлган генлар (МТНFR C677T, МТНFR A1298C, МTR A2756G, МTRR A66G) орасида Т/Т генотибида МТНFR 677 генетик маркери, шунингдек, 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда МTR A2756G генетик маркери энг катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

илк бор қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда МТНFR 677 ва 1298 генетик маркерининг коагулограмма кўрсаткичларига таъсири туфайли СС ва ТТ гомозигот аллелларида МТНFR 677 ва гомозигот АА аллелида МТНFR 1298 генетик маркери мавжудлигида ПТИ, фибриноген, гематокрит кўрсаткичлари ошганлиги, ХНН эса пасайганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коагулограмма ўзгаришлари, шунингдек, ЮИК, ХК ва ИККС бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ҳам аниқланиб, бу беморларнинг прогнози ва ҳаёт сифати учун муҳим аҳамияти асосланган;

МТНFR C677T ва МТНFR A1298C генетик маркерлари 2-тур қандли диабетда гомоцистеин метаболизмига ва микромир асоратлари ривожланиш хавфига таъсир кўрсатиши исботланган;

ишлаб чиқилган тавсиялар умумий амалиёт шифокорлари, эндокринолог мутахассислар, офтальмологлар, эндокринология ва тиббий реабилитация бўйича клиник ординаторлар учун 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фолат циклида иштирок этувчи генетик маркерларни ўрганишда фойдаланилган;

олинган илмий маълумотлар қандли диабет 2 турининг микроминосратларини ташхислаш ва индивидуал даволаш дастурларини танлашни такомиллаштириш учун фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумий клиник, лаборатор, функционал ва статистик тадқиқот усуллари асосида 2-тур ҚД билан оғриган беморларда гиперкоагуляциянинг генетик маркерларини ўрганиш ва гемостаз кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлашнинг ўзига ҳослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда уларнинг ёши ва жинси билан боғлиқ бўлган коагулограмма кўрсаткичлари, ДР босқичларининг оғирлашуви билан коагулограмма кўрсаткичлари сезиларли даражада ортиши, беморларда фолий кислотаси ва витамин В12 кўрсаткичларининг қиёсий гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши ва гомоцистеиннинг ошиши ДР, СБК мавжудлиги ва диабет декомпенсацияси билан боғлиқлиги ҳамда унинг давомийлигига боғлиқ эмаслиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фолий цикли генларини аниқлаш учун замонавий ПЗР диагностика усуллари билан фойдаланган ҳолда 2-тур қандли диабетда (гомоцистеин, витамин В12, фолий кислотаси) қон томир эндотелиал шикастланишининг ривожланишининг клиник, патогенетик механизмини аниқ таҳлил қилиш, (MTHFR 677, MTHFR 1298, MTR 2756, MTR 66) ва уларнинг диабетик ретинопатия, диабетик нефропатия каби 2-тур қандли диабетнинг микроваскуляр асоратларини ривожланишидаги диагностика роли асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 2-тур ҚД билан оғриган беморларда гиперкоагуляциянинг генетик маркерларини ўрганиш ва гемостаз кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* ДР босқичларининг оғирлашуви билан коагулограмма кўрсаткичлари сезиларли даражада, СБКда коагулограмма ўзгаришлари 1-2 босқичи билан бирга пайдо бўлиши ва унинг оғирлашуви билан ортиши, бу эса диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллигида қон ивиш тизимининг 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларга таъсир кўрсатиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси

Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 12-сон билан тасдиқланган «2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фолат циклида иштирок этувчи генетик маркерларни ўрганиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти эндокринологик диспансери бўйича 02.07.2024 йилдаги 57-сон ҳамда РИЭИАТМнинг Жиззах филиали бўйича 04.07.2024 йилдаги 46-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/42-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2-тур қандли диабетнинг микромир асоратларини даволашда фолат цикли генетик маркерлари ва фолат цикли параметрлари (гомоцистеин, витамин В12, фолий кислотаси) кўрсаткичларини эрта аниқлаш, эрта ногиронлик ва ўлимга сабаб бўлувчи пролифератив диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллиги каби оғир асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 201224 сўм бюджет маблағлари диабетнинг сурункали асоратлари ривожланишини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш орқали қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда меҳнатга лаёқатсизлик даврини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда фолий кислотаси ва витамин В12 кўрсаткичларининг қиёсий гуруҳига нисбатан ишончли пасайиши ва гомоцистеиннинг ошиши ДР, СБК мавжудлиги ва диабет декомпенсацияси билан боғлиқлиги ҳамда унинг давомийлигига боғлиқ эмаслиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 12-сон билан тасдиқланган «2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фолат циклида иштирок этувчи генетик маркерларни ўрганиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти эндокринологик диспансери бўйича 02.07.2024 йилдаги 57-сон ҳамда РИЭИАТМнинг Жиззах филиали бўйича 04.07.2024 йилдаги 46-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/42-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2-тур қандли диабетнинг микромир асоратларини даволашда фолат цикли генетик маркерлари ва фолат цикли параметрлари (гомоцистеин, витамин В12, фолий кислотаси) кўрсаткичларини эрта аниқлаш, эрта ногиронлик ва ўлимга сабаб бўлувчи пролифератив диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллиги каби оғир асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 201224 сўм бюджет маблағлари диабетнинг сурункали асоратлари ривожланишини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш орқали қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда меҳнатга лаёқатсизлик даврини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда фолат цикли учун масъул бўлган генлар (MTHFR C677T, MTHFR

A1298C, MTR A2756G, MTRR A66G) орасида Т/Т генотипида MTHFR 677 генетик маркери, шунингдек, 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда MTR A2756G генетик маркери энг катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 12-сон билан тасдиқланган «2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фолат циклида иштирок этувчи генетик маркерларни ўрганиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти эндокринологик диспансери бўйича 02.07.2024 йилдаги 57-сон ҳамда РИЭИАТМнинг Жиззах филиали бўйича 04.07.2024 йилдаги 46-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/42-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2-тур қандли диабетнинг микромир асоратларини даволашда фолат цикли генетик маркерлари ва фолат цикли параметрлари (гомоцистеин, витамин В12, фолий кислотаси) кўрсаткичларини эрта аниқлаш, эрта ногиронлик ва ўлимга сабаб бўлувчи пролифератив диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллиги каби оғир асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 201224 сўм бюджет маблағлари диабетнинг сурункали асоратлари ривожланишини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш орқали қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда меҳнатга лаёқатсизлик даврини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда MTHFR 677 ва 1298 генетик маркерининг коагулограмма кўрсаткичларига таъсири туфайли СС ва ТТ гомзигот аллелларида MTHFR 677 ва гомозигот АА аллелида MTHFR 1298 генетик маркери мавжудлигида ПТИ, фибриноген, гематокрит кўрсаткичлари ошганлиги, ХНН эса пасайганлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 июнда 12-сон билан тасдиқланган «2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фолат циклида иштирок этувчи генетик маркерларни ўрганиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти эндокринологик диспансери бўйича 02.07.2024 йилдаги 57-сон ҳамда РИЭИАТМнинг Жиззах филиали бўйича 04.07.2024 йилдаги 46-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/42-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 2-тур қандли диабетнинг микромир асоратларини даволашда фолат цикли генетик маркерлари ва фолат цикли параметрлари (гомоцистеин, витамин В12, фолий кислотаси) кўрсаткичларини эрта аниқлаш, эрта ногиронлик ва ўлимга сабаб бўлувчи пролифератив диабетик ретинопатия ва сурункали буйрак касаллиги каби оғир асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган ўртача 201224 сўм бюджет маблағлари диабетнинг сурункали асоратлари

ривожланишини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш орқали қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда меҳнатга лаёқатсизлик даврини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий қоидалар шакллантирилган, илмий янгилик, натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, апробацияси тўғрисида маълумотлар, ишнинг эълон қилинган натижалари ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.


Диссертациянинг **“2-тур қандли диабет билан касалланган беморларда гиперкоагуляция, фолат цикли ва уларнинг генетик маркерлари билан боғлиқлигининг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳилли ўтказилган. Касалликнинг эпидемиологик ва этиопатогенетик жиҳатлари кўриб чиқилган. Қандли диабетнинг 2-турида томир бузилишларининг турлари, гиперкоагуляция ва фолат цикли генлари батафсил тасвирланган. Томирлар асоратлари узоқ вақт давомида глюкоза миқдорининг юқори бўлиши натижасида юзага келган майда, ўрта ва йирик томирларнинг зарарланиши фонида ривожланади. Фолат цикли генларининг бузилиши (масалан, MTHFR) диабетда гиперкоагуляция ва қон томир асоратлари хавфини ошириб, гипергомоцистеинемияга олиб келиши мумкин.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ва олинган натижаларнинг статистик таҳлили келтирилган. Иш "Akfa Medline University Hospital" кўп тармоқли хусусий клиникаси базасида бажарилган.

2022 йилдан 2024 йилгача клиникада стационар даволанган 122 нафар бемор таҳлил қилинди (1 диаграмма). Қиёсий гуруҳи 43 нафар бемордан иборат бўлиб, ўртача ёши  $47,4 \pm 1,1$  ёшни, эркаклар 72%, аёллар 28% ни ташкил этди. Қандли диабетнинг 2-тури билан касалланган асосий гуруҳни 79 нафар

бемор ташкил этди, уларнинг ўртача ёши  $58 \pm 1,0$  ёшни ташкил этди. Эркаклар 42% аёллар 58%.

Барча беморларга қуйидагилар амалга оширилди: 1. Беморларнинг умумий клиник, биокимёвий ва гемостазиологик текширувлари қуйидаги ускуна ва усулларда ўтказилди: мочевина, креатинин, умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, коптокчалар фильтрацияси тезлигини СКD-EPI creatinine формуласи бўйича ўлчаш ( $2021 \text{ в мл/мин/1,73 м}^2$ ) 2. Гемостазнинг коагуляцион бўғини ҳолати: АЧТВ, ТВ, ПТИ, ХНН, фибриноген, гематокрит, д-димер. 3. ПЗР усули билан генетик текшириш: MTHFR C677T, MTHFR A1298C, MTR A2756G, MTRR A66G. 4. Фолат цикли метаболитлари кўрсаткичлари: фолат кислота, гомоцистеин, витамин В12. 5. Статистик ишлов беришда параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланилди.  $P < 0,05$  даражаси ишончли фарқ деб ҳисобланди.



**1 расм. Тадқиқот дизайни**

Диссертациянинг “2-тур қандли диабет билан оғриган ва томир асоратлари бўлган беморларда коагуллограмма кўрсаткичлари” деб номланган учинчи бобида қандли диабетнинг 2-турида коагуллограмма параметрларини ўрганиш, уларнинг гомоцистеин алмашинуви билан боғлиқ ўзгаришлари ўрганиб уларнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган.

Қиёсий гуруҳи ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар ўртасида коагуллограмма кўрсаткичларини қиёсий тавсифлашда ПТИ, ХНН, АЧТВ, фибриноген, гематокрит, Д-димер кўрсаткичлари ўртасида ишончли фарқлар аниқланди ( $p < 0,005$ ). Фақат ТВ кўрсаткичлари бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Шундай қилиб, коагуллограммада қиёсий гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли ўзгаришлар аниқланди.

Протромбин индексининг (ПТИ) ўртача даражаси 40-49 ёш ва 60-69 ёш гуруҳларида қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда қиёсий

гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган ( $p < 0,05$ ). Халқаро нормаллаштирилган нисбат (ХНН) 40-49 ва 50-59 ёш гуруҳларида диабет билан оғриган беморларда сезиларли даражада паст (мос равишда  $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$ ). Қандли диабет билан оғриган 40-49 ва 60-69 ёшдаги беморларда фаоллашган қисман тромбопластин вақти ҳам сезиларли даражада паст (мос равишда  $p < 0,01$  ва  $p < 0,001$ ).

Қандли диабет билан оғриган беморларда 40-49 ёш ва 50-59 ёш гуруҳларида фибриноген даражаси сезиларли даражада ошган ( $p < 0,05$ ). Д-димер 60-69 ёшдаги қандли диабет билан оғриган беморларда сезиларли даражада юқори ( $p < 0,001$ ). Гематокрит 40-49 ёш ва 50-59 ёш гуруҳларида диабет билан оғриган беморларда ҳам сезиларли даражада юқори (мос равишда  $p < 0,001$  ва  $p < 0,01$ ). 60-69 ёш гуруҳидаги 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар ва қиёсий гуруҳи ўртасида Д-димер даражасини таққослаш учун статистик аҳамиятлилик даражаси 0,001 дан кам бўлиб, бу ушбу фарқларнинг жуда юқори аҳамиятлилик даражасини кўрсатади.

Таҳлилни давом эттириб, қиёсий гуруҳида ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда жинсга қараб коагулограмма кўрсаткичларининг қиёсий тавсифига эътибор қаратиш керак.

Тадақиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2-тур қандли диабет билан оғриган аёлларда қиёсий гуруҳига нисбатан протромбин индекси (ПТИ) сезиларли даражада ошган, бу қон ивиш тизимидаги ўзгаришларни кўрсатади. Қандли диабет билан оғриган эркакларда, гарчи камроқ ифодаланган бўлса ҳам, ПТИнинг ошиши қайд этилади.

Қандли диабет билан оғриган беморларда (эркакларда ҳам, аёлларда ҳам) халқаро нормаллашган нисбат (ХНН) сезиларли даражада паст, бу тромб ҳосил бўлишига мойилликнинг юқорилигидан далолат бериши мумкин. Қандли диабет билан оғриган аёлларда фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти ҳам сезиларли даражада қисқарган, бу гиперкоагуляция ҳолатни тасдиқлайди.

Қон ивишининг муҳим кўрсаткичи бўлган фибриноген даражаси диабет билан оғриган эркакларда сезиларли даражада ошади, бу сурункали яллиғланиш ва тромбоз хавфининг ошишини кўрсатиши мумкин. Д-димер, фибринолизнинг фаоллашув маркери, диабет билан оғриган аёлларда ҳам сезиларли даражада юқори бўлиб, бу фаол тромб ҳосил бўлиши ва фибринолиз жараёнларини мавжудлигини тасдиқлайди.

Гематокрит, қондаги эритроцитлар ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткич, иккала жинсдаги диабет билан оғриган беморларда сезиларли даражада юқори, бу қоннинг реологик хусусиятларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қандли диабет 2-тури билан оғриган аёллар ва қиёсий гуруҳи ўртасида Д-димер даражасини таққослаш учун статистик аҳамиятлилик даражаси 0,01 дан кам бўлиб, бу фарқларнинг юқори даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Бу 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда коагулопатияларни баҳолашда жинсни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди.

Гликозилланган гемоглобин (HbA1c) охириги 2-3 ойдаги қондаги ўртача глюкоза даражасининг кўрсаткичи бўлиб, қандли диабетни ташхислаш ва мониторинг қилиш учун ишлатилади. Коагулограмма кўрсаткичларида гликозилланган гемоглобин даражаси 7,5% дан паст ва юқори бўлган гуруҳлар ўртасида статистик фарқлар кузатилмади.

Қандли диабет қанча узоқ давом этса, томир асоратларининг ривожланиши ва оғирлашишига шунчалик сезиларли таъсир кўрсатади. Касаллик давомийлиги 5 йилгача бўлган беморларда Д-димер даражасининг ўртача қиймати  $217,13 \pm 24,80$ , касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган беморларда эса  $364,47 \pm 37,41$ . Ушбу кўрсаткич учун Р қиймати 0,05 дан кам бўлиб, бу икки гуруҳ ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқни кўрсатади. Худди шундай гематокрит даражаси ҳам икки гуруҳ ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади, ўртача қийматлар мос равишда  $46,14 \pm 1,12$  ва  $42,99 \pm 0,77$  ни ташкил қилади.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, касалликнинг давомийлиги коагулограмма кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади ва ушбу патологияли беморларнинг ҳолатини баҳолашда клиник аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Қандли диабетга хос бўлган томир асоратларининг мавжудлиги ҳам коагуляцион бўғин ҳолатига таъсир қилувчи муҳим жиҳатлардан биридир. Диабетик ретинопатия билан намоён бўлмаган гуруҳда (ДР йўқ) д-димер даражаси  $207,24 \pm 28,44$ , пролифератив диабетик ретинопатия (ПДР) билан оғриган беморларда эса бу кўрсаткич  $420,67 \pm 74,77$  гача ошади. Ушбу кўрсаткич учун Р қиймати 0,05 дан кам бўлиб, бу гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқни кўрсатади.

Худди шундай, гематокрит даражаси ҳам гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади, бу эса 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда коагулограмма кўрсаткичларини таҳлил қилишда диабетик ретинопатиянинг муҳимлигини кўрсатиши мумкин. Қандли диабетда буйракларнинг зарарланиши асосида майда томирларнинг зарарланиши ётади.

Сурункали буйрак касаллиги 1-2 даражаси (СБК 1-2) бўлган беморларда протромбин вақти (ПТИ) даражаси  $118,94 \pm 4,86$  ни ташкил қилади, бу сурункали буйрак касаллиги бўлмаган (СБК йўқ) беморларга қараганда сезиларли даражада юқори бўлиб,  $105,42 \pm 5,29$  ( $p < 0,05$ ). Бу 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллигининг қон ивиш тизимига таъсирини кўрсатиши мумкин. Қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган касалларда майда томирларнинг зарарланиши билан бир қаторда ўрта ва йирик калибрли томирларнинг зарарланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади, булар макроваскуляр асоратлар деб аталади.

Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан оғриган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда 63,3% бундай беморларда макротомир асоратлари мавжуд, қиёсий гуруҳида эса макротомир асоратлари бор-йўғи 36,7% ни ташкил қилади. Қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда ва қиёсий гуруҳида ЮИК мавжудлигини таққослаганда статистик аҳамиятлилик

даражаси 0,05 дан кам бўлиб, бу гуруҳлар ўртасида ушбу касалликнинг тарқалишида сезиларли фарқларни кўрсатади.

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ва қиёсий гуруҳида юрак ишемик касаллиги (ЮИК) мавжуд ёки йўқлигига қараб коагулограмма кўрсаткичларини ўрганиш жараёнида қандли диабет 2-тури ва ЮИК мавжуд беморларда фибриногеннинг ўртача даражаси қиёсий гуруҳига нисбатан, шунингдек ЮИК бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада ошган. Юрак ишемик касаллиги бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар ва қиёсий гуруҳи ўртасида фибриноген даражасини таққослаш учун статистик аҳамиятлилик даражаси 0,01 дан кам бўлиб, бу ушбу фарқларнинг юқори даражадаги аҳамиятини кўрсатади.

Олинган натижалар 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ЮИКнинг мавжудлиги коагулограмма кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатади.

Гипертония касаллиги коагуляцион гемостазга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Das, D., Smith, J., and Brown, A. (2023) тадқиқотларида эндотелиал дисфункция, тромбоцитлар гиперфаоллиги ва оксидатив стресс каби кўрсаткичларнинг ўзгариши қайд этилган, бу эса юрак-қон томир касалликларига мойилликнинг ошишига олиб келади. Тадқиқотга гипертония касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлар киритилди.

Қизиғи шундаки, фибриноген даражаси ХК бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳи ва ХК бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Бу ушбу турдаги беморларда тромбоз ривожланиш хавфининг юқорилигини кўрсатади. Бундан ташқари, статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, гуруҳлар ўртасида фибриноген ва д-димер даражасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга. Қандли диабет 2-тури ва ХК билан оғриган беморларда д-димер даражаси  $p < 0,001$  даражаси билан қиёсий гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори бўлиб, бу ушбу фарқларнинг юқори даражасидан далолат беради.

Натижалар қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ гипертония касаллиги мавжуд бўлганда, уларнинг саломатлигини янада самарали бошқариш учун коагуляция кўрсаткичларини тизимли мониторинг қилиш муҳимлигини таъкидлайди.


2-тур қандли диабетнинг энг даҳшатли асорати ўтказилган миокард инфарктидир. Ажабланарлиси шундаки, ИККС бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда фибриноген ва д-димер даражаси қиёсий гуруҳи ва ИККС бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Бу қандли диабет ва ИККС билан оғриган беморларда тромбоз ва тромбозэмболия хавфининг юқорилигини кўрсатади. Қизиғи шундаки, статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, гуруҳлар ўртасида фибриноген ва д-димер даражасидаги фарқлар  $p < 0,001$  аҳамиятлилик даражаси билан статистик аҳамиятга эга. Бу эса ушбу кўрсаткичларнинг қандли диабет 2-тури ва ИККС билан оғриган беморлар учун потенциал хавф маркерлари сифатида муҳимлигини таъкидлайди.

Ушбу натижалар оғир асоратларнинг олдини олиш ва беморларнинг прогнози ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун 2-тур қандли диабет билан оғриган

беморларда, айниқса, ИККС билан оғриган беморларда коагуляцион параметрларни янада батафсилроқ мониторинг қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг “Қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда фолий кислотаси, гомоцистеин, витамин В12 кўрсаткичлари” деб номланган тўртинчи бобида фолий кислотаси организмдаги гомоцистеин метаболизми ва витамин В12 даражасига таъсир кўрсатади. Smith et al. (2020) ва Johnson et al. (2019) ишларида қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда фолий кислотаси ва В12 витамини даражасининг пасайиши, шунингдек, гомоцистеин даражасининг ошиши каби кўрсаткичларнинг ўзгариши қайд этилган.

Қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда ва қиёсий гуруҳида фолий кислотаси, гомоцистеин ва витамин В12 даражасини ўрганиш 2-расмда таҳлил қилинган. Гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлардаги сезиларли фарқлар, айниқса, 2-тур қандли диабет мавжудлигида қизиқиш уйғотади.



**2-расм. Қиёсий гуруҳда ва 2-тур қандли диабетда фолий кислотаси, гомоцистеин, В12 витаминининг қиёсий тавсифи**

2-расмда 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ва қиёсий гуруҳида фолий кислотаси, гомоцистеин ва В12 витамини кўрсаткичлари келтирилган. Маълумотлар таҳлили ушбу гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларда сезиларли фарқларни кўрсатади.

Қандли диабет 2-тури билан оғриган беморлар ва қиёсий гуруҳи ўртасида фолий кислотаси даражасини таққослаш учун статистик аҳамиятлилик даражаси 0,01 дан кам бўлиб, бу фарқларнинг юқори даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Худди шундай, гомоцистеин ва В12 витамини даражасидаги фарқлар ҳам статистик аҳамиятга эга бўлиб, бу 2-тур қандли диабет шароитида ушбу кўрсаткичларнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан фолий кислотаси, гомоцистеин ва витамин В12 даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилади.

Гликирланган гемоглобин даражасига қараб фолий кислотаси, витамин В12 ва гомоцистеин даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, гликирланган гемоглобин 7,5% дан юқори бўлишига қарамай, статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ).

Қандли диабетнинг турли давомийлиги бўлган беморларда фолий кислотаси, В12 витамини ва гомоцистеин концентрациясининг таҳлили шуни кўрсатадики, гуруҳлар ўртасидаги қийматларда кузатилган ўзгаришларга қарамай, касалликнинг давомийлиги ушбу биокимёвий кўрсаткичларга сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Қиёсий гуруҳда ва диабетик ретинопатия асоратлари мавжуд ва мавжуд бўлмаган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда гомоцистеин, фолий кислотаси ва витамин В12 кўрсаткичларининг қиёсий таҳлил қилинганда, диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан фолий кислотаси ва витамин В12 даражаси сезиларли даражада пасайган, бу статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар билан тасдиқланган ( $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$ ,  $p < 0,001$ ). Қандли диабет ва пролифератив диабетик ретинопатия (ПДР) билан оғриган беморларда фолий кислотаси даражаси  $3,59 \pm 0,26$  ни ташкил этди, бу қиёсий гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст ( $7,96 \pm 0,84$ ).

Шунингдек, қандли диабет билан оғриган беморларда, айниқса ПДР билан оғриган беморларда ( $28,68 \pm 2,35$ ) гомоцистеин даражасининг сезиларли даражада ошиши кузатилади, бу қиёсий гуруҳига ( $14,3 \pm 1,74$ ) нисбатан сезиларли даражада юқори. Ушбу фарқлар метаболик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва коррекциялаш учун қандли диабет билан оғриган беморларда ушбу кўрсаткичларни мониторинг қилиш муҳимлигини таъкидлайди.


Шундай қилиб, тадқиқот натижалари метаболик бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва коррекциялаш учун қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда фолий кислотаси, витамин В12 ва гомоцистеин даражасини мунтазам равишда мониторинг қилиш муҳимлигини таъкидлайди.

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ва қиёсий гуруҳида гомоцистеин, фолий кислотаси ва витамин В12 кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатадики, 3-4 босқичдаги диабетик нефропатия билан оғриган беморларда фолат кислота даражаси қиёсий гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст. В12 витамини ҳам сезиларли фарқларга эга: унинг даражаси қиёсий гуруҳига нисбатан диабетик нефропатиянинг 1-2 ва 3-4 босқичларида пасайган. Гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичларда, айниқса диабетик нефропатия мавжуд бўлганда, сезиларли фарқлар қизиқиш уйғотади. Гомоцистеиннинг ўртача даражаси диабетик нефропатиянинг 3-4 босқичи бўлган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан, шунингдек диабетик нефропатияси бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада ошган. Ушбу ўзгаришлар қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда метаболизм ва витаминларни ўзлаштиришнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. 3-4 босқичдаги диабетик нефропатия билан оғриган беморлар ва қиёсий гуруҳи ўртасида гомоцистеин даражасини таққослаш учун статистик аҳамиятлилик даражаси

0,01 дан кам бўлиб, бу ушбу фарқларнинг юкори даражадаги аҳамиятини кўрсатади.


МТНFR С677Т генетик маркери ҳам гомоцистеин метаболизмига ва 2-тур қандли диабетда асоратлар ривожланиш хавфига таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Т аллели 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учрайди. Бу ушбу генетик вариантнинг касаллик патогенезидаги потенциал ролини кўрсатиши мумкин. Гуруҳлар ўртасида генотипларнинг учраш частотасидаги сезиларли фарқлар қизиқиш уйғотади. МТНFR 677 Т/Т генотиби 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учрайди (3-расм).



**3-расм. Қиёсий гуруҳда ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда МТНFR С677Т кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи**

МТНFR А1298С генетик маркери, шунингдек, 2-тур қандли диабетда фолатлар метаболизмига ва асоратлар ривожланиш хавфига таъсир қилиши мумкин. Smith эт al. (2020) ишларида қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда турли хил МТНFR А1298С генотипларининг учраш частотаси каби кўрсаткичларда ўзгаришлар қайд этилган (4-расм).



**4-расм. Қиёсий гуруҳда ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда МТНFR А1298С кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи**

Гуруҳлар ўртасида генотипларнинг учраш частотасидаги сезиларли фарқлар қизиқиш уйғотади. МТНFR 1298 С/С генотипи 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қиёсий гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учрайди. Ушбу ҳолатда  $p < 0,01$  қиймати гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг юқори даражадаги аҳамиятини кўрсатади, бу эса ушбу генетик вариантнинг қандли диабетнинг 2-тури ривожланишида муҳим роль ўйнашини кўрсатиши мумкин.

МTR A2756G, шунингдек, 2-тур қандли диабетда фолатлар метаболизмига ва асоратлар ривожланиш хавфига таъсир кўрсатиши мумкин. қиёсий гуруҳи ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда МTR A2756G генотипларининг частотаси бўйича маълумотлар шуни кўрсатдики, А/А генотипи қиёсий гуруҳида 36,1% ва қандли диабет билан оғриган беморларда 63,9%, А/Г - 32,3% ва 67,7%, G/G - 37,5% ва 62,5% ни ташкил этди. А аллели қиёсий гуруҳида 81,4% ва қандли диабет билан оғриган беморларда 80,4%, Г аллели - 18,6% ва 19,6% да мавжуд. Генотиплар частотасидаги фарқларга қарамай, статистик аҳамиятга эга фарқлар аниқланмади ( $\chi^2 = 0,168$ ,  $P = 0,919$ ).

Шунингдек, қиёсий гуруҳ ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда МTRR A66G генотипларининг частотаси тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, генотиплар частотасидаги фарқларга қарамай, статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади.

МТНFR C677T 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик ретинопатия ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ретинопатиясиз беморларда МТНFR 677 С/С генотипи 45,2%, ретинопатияли беморларда эса бу кўрсаткич 54,8% ни ташкил этади. МТНFR 677 С/Т генотипи ретинопатиясиз беморларнинг 11,5% ва ретинопатияли беморларнинг 88,5% да учрайди. МТНFR 677 Т/Т генотипи ретинопатиясиз беморларнинг 22,7% ва ретинопатияли беморларнинг 77,3% да учрайди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, МТНFR C677T генотипларининг учраш частотаси диабетик ретинопатияси бўлган ва бўлмаган беморлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади.

МТНFR A1298C 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда диабетик ретинопатия ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Диабетик ретинопатияли ва диабетик ретинопатиясиз беморларда МТНFR A1298C генотипларининг учраш частотаси тўғрисидаги маълумотлар. Диабетик ретинопатиясиз беморларда МТНFR 1298 А/А генотипи 40% да учраса, ретинопатияли беморларда бу кўрсаткич 60% ни ташкил қилади. МТНFR 1298 А/С генотипи ретинопатиясиз беморларнинг 30,8% ва ретинопатияли беморларнинг 69,2% да учрайди. МТНFR 1298 С/С генотипи ретинопатиясиз беморларнинг 8,7% ва ретинопатияли беморларнинг 91,3% да учрайди.

Шундай қилиб, МТНFR A1298C генотипларининг учраш частотаси диабетик ретинопатияси бўлган ва бўлмаган беморлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади.

Диабетик ретинопатияли ва диабетик ретинопатиясиз беморларда MTR A2756G ва MTRR A66G генотипларининг учраш частотасини ўрганиш шуни кўрсатдики, A/A ва A/G генотиплари ретинопатияли беморларда кўпроқ учрайди, ammo гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ).

Турли даражадаги диабетик ретинопатия (ДР) билан оғриган беморларда MTHFR C677T генотипларининг учраш частотаси солиштирилганда қуйидаги гуруҳларга бўлиниб чиқилган: қиёсий гуруҳи, ДР бўлмаган беморлар, нопрولیфератив ДР (НПДР) бўлган беморлар, препроліфератив диабетик ретинопатия (ПДР) бўлган беморлар ва ДРнинг кечки босқичи (ПДР) бўлган беморлар. MTHFR 677 C/C генотипининг учраш частотаси ДР оғирлик даражасининг ошиши билан сезиларли даражада камаяди. MTHFR 677 C/T генотипи бошқа гуруҳларга нисбатан НПДР билан оғриган беморларда (73,1%) кўпроқ учрайди. MTHFR 677 T/T генотипи ППДР (31,8%) ва НПДР (40,9%) бўлган беморларда энг кўп учраган. Ушбу маълумотлар диабетик ретинопатия даражасига қараб MTHFR C677T генотипларининг учраш частотасида сезиларли фарқларни кўрсатади, бу статистик аҳамиятга эга қийматлар билан тасдиқланади.

Энг сезиларли ўзгаришлар A/A генотипи жуда кам учрайдиган (3,3%), C/C генотипи эса сезиларли даражада тез-тез учрайдиган (34,8%) ППДР гуруҳида кузатилди. Бу C/C генотипи ва ДРнинг проліфератив босқичига чад ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиши мумкин.

MTHFR 1298 генотипларининг тақсимланиши ДРнинг турли даражалари бўлган беморлар гуруҳлари ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади, бу генетик полиморфизмнинг касалликнинг ривожланиши ва ривожланишига таъсирини кўрсатиши мумкин. Гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқ сезиларли бўлди, бу Хи-квадрат мезонининг қиймати ( $\chi^2 = 20,901$ ) ва аҳамиятлилик даражаси ( $p < 0,01$ ) билан тасдиқланади.

Шундай қилиб, диабетик ретинопатиянинг турли босқичлари билан оғриган беморлар орасида MTHFR 1298 генотипларининг тарқалишидаги сезиларли фарқлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу касалликнинг патогенезида генетик омилларнинг аҳамиятини таъкидлайди.

MTR A2756G ва MTRR A66G генотипларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, диабетик ретинопатиянинг турли босқичлари бўлган беморлар ўртасида генотиплар тақсимланишида маълум фарқларга қарамай, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ).

Диабетик нефропатия (ДН) даражасига қараб MTHFR C677T генетик вариантнинг қиёсий тавсифи. Қизиғи шундаки, MTHFR 677 T/T генотипларининг фоиз нисбати диабетик нефропатиянинг оғирлик даражаси ошиши билан ортади: ДН бўлмаган гуруҳда 18,5% дан 3-4 даражали СБК гуруҳида 31,8% гача. Бу диабетик нефропатиянинг оғирроқ шакллари ривожланиши билан ушбу генетик вариантнинг потентсиал боғлиқлигини кўрсатиши мумкин. Шунга қарамай, гуруҳлар ўртасида генотиплар тақсимланишидаги баъзи фарқларга қарамай, статистик таҳлил сезиларли фарқларни аниқламади ( $\chi^2 = 9,092$ ,  $P = 0,059$ ). Бу баъзи фоизлардаги

фарқларни ҳисобга олган ҳолда кутилмаган бўлиб туюлиши мумкин, аммо бу кузатилган фарқларнинг тасодифий бўлиши ва статистик аҳамиятга эга эмаслигини ҳам кўрсатиши мумкин.

МТНFR A1298C генетик полиморфизми диабетик нефропатия (ДН) ривожланиши ва ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. СБКнинг 3-4 босқичидаги гуруҳда сезиларли ўзгаришлар кузатилади, бу ерда С/С генотиби сезиларли даражада тез-тез учрайди (47,8%). Бу С/С генотиби ва СБК авж олиши ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликни кўрсатиши мумкин. Гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқ сезиларли бўлди, бу Хи-квадрат мезонининг қиймати ( $\chi^2 = 11,950$ ) ва аҳамиятлилик даражаси ( $p < 0,05$ ) билан тасдиқланади. Бу шуни кўрсатадики, МТНFR 1298 генотипларининг тақсимланиши СБКнинг турли босқичлари бўлган беморлар гуруҳлари ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади, бу генетик полиморфизмнинг касалликнинг ривожланиши ва ривожланишига таъсирини кўрсатиши мумкин.

